

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

УМРНИНГ ҚАДРИ

Муҳтарам биродарлар! Мана 2017 йил ҳам ниҳоясига етиб, умримиздан яна бир йили ортда қолди. Зеро, Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини ва ундаги барча нарсалар, жумладан сизу биз инсонларни ҳам фоний қилиб яратди. Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч нарса боқий эмаслигини Қуръони каримда баён қилди:

كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ ﴿٢٦-٢٧﴾ (سُورَةُ الرَّحْمَنِ/26-27).

яъни: “(Ер) юзидаги барча мавжудот фонийдир. Улуғлик ва Икром соҳиби бўлмиш Раббингизнинг “юзи” боқий қолур” (Ар-Раҳмон сураси, 26-27-оятлар). Дарҳақиқат, умримизнинг бир қисми бўлмиш ўтказган бу йилимизда қанчалик хайрли ва савобли ишларни қилганимиз ёки гуноҳ ва хатоларга йўл қўйганлигимиз энди, охиратда ўзимизга ҳужжат бўлади. Яхшилик билан ўтказган бўлсак, алҳамду лиллаҳ, аммо гуноҳ ва хатоларни кўп қилган бўлсак, уларни тўғрилаб олиш учун ҳали имконимиз бор. Зеро, инсоннинг умри ниҳоясига етгач камчиликларни тўғрилашнинг имкони қолмайди. Қуръони каримда шундай хабар берилган:

وَهُمْ يَصْطَرِحُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ أَوَلَمْ نُعَمَّرْكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرُ وَجَاءَكُمُ النَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ ﴿٣٧﴾ (سُورَةُ الْفَاطِر/37).

яъни: “Улар у жойда: “Парвардигоро, бизларни (азобдан) чиқаргин – бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши (амалларни) қилайлик!” – деб фарёд қилурлар. Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазоларингизни) тотаверингиз! Золимлар (кофирлар) учун ёрдамчи бўлмас” (Фотир сураси, 37-оят). Умрни ғанимат билиш ҳақида Пайғамбаримиз с.а.в.дан кўплаб ҳадислар, саҳобалардан асарлар ворид бўлган. Абдуллоҳ ибн Умар р.а. айтадилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ، أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْكِبِي، فَقَالَ: "كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ" وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، يَقُولُ: "إِذَا أَمْسَيْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الصَّبَاحَ، وَإِذَا أَصْبَحْتَ فَلَا تَنْتَظِرِ الْمَسَاءَ، وَخُذْ مِنْ صِحَّتِكَ لِمَرْضِكَ وَمِنْ حَيَاتِكَ لِمَوْتِكَ" (رواه الإمام البخاري).

яъни: *Расулуллоҳ с.а.в. менинг елкамдан тутиб шундай дедилар: “Дунёда гўё гарибдек ёки йўловчидек бўл”. Шундан сўнг Ибн Умар р.а. ҳам: “Кеч кирса тонгни кутиб ўтирма, тонг отса кеч киришини кутиб ўтирма, соғлик вақтингда*

беморлигингда қилаолмайдиган ишларингни қилиб қол, тириклигингда вафотингдан кейин асқотадиган амалларни қилиб қол”, деб юрар эди (Имом Бухорий ривояти). Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар:

روي عن ابن عباس رضي الله عنهما أن النبي صلى الله عليه وسلم قال لرجل يعظه: **“اغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ: شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ، وَغِنَاءَكَ قَبْلَ فَقْرِكَ، وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ، وَحَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ”** (رواه الإمام الحاكم).

яъни: Расулulloҳ (с.а.в.) бир одамга насиҳат қилиб туриб унга: **“Сен беш нарсани беш нарсдан аввал ганимат билгин: ёшлигингни қарилигиндан аввал, саломатлигингни касал бўлишингдан аввал, бойлигингни фақирлигингдан аввал, бўш вақтингни бир ишга маиғул бўлмасингдан аввал ва ҳаётлигингни ўлимингдан аввал ганимат билгин”**, - дедилар (Имом Ҳоким ривояти).

Ушбу ҳадисни биринчи ва бешинчи насиҳатларини кенгроқ шарҳ қиламиз.

Биринчи: **“Ёшлик, ўспиринлик даврини кексайиб, мункиллаб қолишдан аввал ганимат билмоқлик”**. Ёшликда қилинган ишлар пухта, мустаҳкам бўлади, ибодатларнинг савоби ҳам ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳамма замонда мамлакатнинг келажакдаги мустаҳкамлиги, унинг куч-қудрати, тараққиёти уша мамлакат ёшларининг салоҳияти билан чамбарчас боғланган. **“Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир”**, дейилади ҳадисда.

Бешинчи: **“Тирикликни ўлим келишидан олдин ганимат билмоқлик”**. Аллоҳ таоло инсонни дунёга келтириб, унга Пайғамбар юбориб, унга шариат аҳкомларни етказди. Ўз навбатида шариат кўрсатмаларига амал қилган кишиларга улуғ савобларни ваъда қилди. Шариат қоидаларга амал қилиш – қилмаслик Аллоҳ учун ҳеч қандай фойда ёки зарар келтирмайди. Бас шундай экан, инсон ҳаётида Аллоҳнинг амрига нечоғлик итоат этса, келажакда охирати ҳам обод бўлади. Оқил инсон - ҳаётини дунёдан охирати учун фойдаланиб қолган кишидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيُبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا وَهُوَ الْعَزِيزُ الْعَفُورُ ﴿٢٠٠﴾ (سُورَةُ الْمَلِكِ/2).

яъни: **“(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У Азиз (қудратли) ва Ёфур (кечиримли)дир.”**, - деб марҳамат қилади (Мулк сураси, 2-оят).

Муҳтарам азизлар! Мўмин киши дунёнинг ўткинчилигини, охират ҳаётининг абадий эканлигини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги, айти пайтда Аллоҳ берган умрини дунё ва охирати учун фойдали бўлган амаллар билан ўтказишга ҳаракат қилмоғи, дунёнинг ёлғончи хою-ҳавасларига алданиб, гуноҳ ва маъсиятлар билан ўтказишдан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлаётган омиллардан бири уларнинг охират кунда бўладиган воқеъликларни тафаккур қилмасликлари, қилаётган жиноятларининг оқибати дунё-ю охиратда уларга фойда бермаслиги,

аксинча бу амаллар уларга хасрат ва надомат бўлишлини англамаётганидандир.

Муҳтарам жамоат! Маълумки, ёш авлодни баркамол вояга етказиш ва турли зарарли одат ва таъсирлардан эҳтиётлаб сақлаш ҳозирги замоннинг энг долзарб масаласидир. Зеро, ақл ва танани муҳофаза қилиб, уни эҳтиётлаб сақлаш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз амалдир. Шундагина инсон Аллоҳ ва унинг Расули ҳамда раҳбарлари буйруғига итоат қиладиган, иродали, иймонли, ақлли, соғлом, одоб-ахлоқли, жисмонан баркамол, ўз динига ҳимматли, халқига фидокор, юрт манфаатини кўзловчи, Ватанни севувчи ва ардоқловчи, ҳаммага баробар яхшилиқни раво кўрувчи, масъулиятни тўла ҳис қилувчи, инсон бўлиши мумкин.

Айни шу маъно ва мазмун Аллоҳ табака ва таолонинг қўйидаги ояти каримасида мужассамдир:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَحْسَنَ الَّذِي كَانُوا يَعْمَلُونَ
(سُورَةُ الْعنْكَبُوتِ/7).

яъни, *“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларнинг гуноҳларини, албатта, ўчирурмиз ва уларни қилиб ўтган чиройли амаллари билан мукофотлагаймиз”* (Анкабут сураси, 7-оят).

Илова

Милодий сана ҳақида

Муҳтарам азизлар! Милодий йил деганда куёшнинг чиқиб-ботиши билан ҳисобланадиган шамсий санани англамоғимиз керак. Мана шу куёш нури йил давомида қачон кучаяди, қачон камаяди, шунга қараб, деҳқонлар баҳор, ёз, куз, қиш фаслларига эътибор бериб, ўз деҳқончиликларини қачон бошлаб, қачон йиғиштириб олиш лозимлигини белгилаб келадилар. Шамсий-милодий сана ҳисобидаги 12 ойни ҳар бир халқ ўз тилида номлаган. Масалан, биз кўпроқ арабча, ўзбекча, русча номларини кўллаймиз: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв ва Ҳут каби номлар халқимизга азалдан таниш. Январь, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойлари кенг истемолда экани ҳам барчага маълум. Мазкур ойлари номининг христиан дини билан боғлиқ жойи йўқ.

Лекин халқимиз ичида **“Янги йилни, яъни 1-январь кунини кутиб олиш, байрам қилиш, бир-бирини табрик қилиш мусулмончиликка тўғри келмайди, у христианларнинг байрами”** каби гапларни гапириб юрувчилар ҳам бор. 1 январь христианларнинг байрами эмас, балки шамсий-милодий сана билан йил ҳисобини юритувчи халқларнинг ҳаммаси учун йил боши сифатида қарши олинадиган кун. Ваҳоланки, христианларнинг “Рождество” куни 25 декабрь ёки 7 январга тўғри келади. 1-январни эса барча дунё халқлари қатори биз ҳам йилнинг янгиланиши сифатида кутиб оламиз ва бир йил давомида кўлга киритган ютуқ ва камчиликларимизни бирма-бир сарҳисоб қилиб оламиз. Биз янги йилни мусулмонча эътиқод билан кутиб оламиз. Ҳатто динимиз таълимоти бўйича ҳар

бир кунни қарши олишда **“Мана шу ёруғ кунга саломат еткизганингга шукр”** – деб Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтишимиз лозим.

“Баёну-л лисон” номли китобда бу хусусда мусулмонлар учун анча кенглик борлиги қайд этилган. Далил сифатида “Рум” сурасининг 1-5 оятлари ва ҳадиси шарифлардан келтирилиб, икки ҳайитдан бошқа маълум кунларда барҳақ пайғамбарлар ҳаётида юз берган муҳим воқеа ва саналарни байрам қилиш ва байрамлар диний ҳамда дунёвий сабаблар муносабати билан нишонлаш дурустлиги зикр этилган.

Бинобарин, янги милодий-шамсий йилни диний байрам сифатида эмас, йилнинг янгилашиши, умримизга умр қўшилиши, эски йилда қилиб улгурмаган хайрли ишларимизни янги йилда қилиш учун яхши ниятлар билан кутиб олишимиз ақлан ва шаръан жоиздир.

Аллоҳ таоло кириб келаётган янги 2018 йилни барчамизга хайрли ва муборак айлаб, юртимизга тинчлик, хонадонларимизга қут-барака насиб айласин!